

Умар Форук Сайдо ал-Жазарий

Тасаввуф сиidlари

Тошкент
2001

Умар Форуқ Сайдо ал-Жазарий

ТАСАВВУФ СИРЛАРИ

**Тошкент
“Мовароуннаҳр”
2000**

Мазкур китоб Нақибандия тариқати устозларидан бири Шайх Умар Форук ҳазратларининг нафс, қалб тарбияси, ахлоқ-одоб ҳақидаги сұхбатлари асосида тайёрланди. Китобда "Исломий тасаввуфнинг манбаи ва аҳамияти, фано фишшайх, робита, зикрulloҳнинг фазилатлари, ишқ, жазба, ҳақиқий ва сохта шайх" каби мавзулар содда услугуда баён қилинади.

Таржима қилиб нашрга тайёрловчилар:

Баҳриддин УМРЗОҚ,

Абдуллоҳ Мурод ТИЛАВ

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:

Сайфиддин РАФИДДИНОВ

филология фанлари номзоди

Таҳрир ҳайъати:

Нажмиддин КОМИЛОВ

филология фанлари доктори, профессор

Анвар ТУРСУН, Абдумажид МУСАБЕК,

Нуриимон АБУЛҲАСАН

Муҳаррир:

Баҳодир КАРИМ

филология фанлари номзоди

Ношр:

Тўлқин НУРМУҲАММАД

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриданги Дин ишлари бўйича қўмита рухсати билан чоп этилди.

Босишига рухсат этилди 20.12.2000 йил. Бичими 84x108 1/16. 5,5 босма та-

боқ. Адади 1000 нусха

1-сон буюртма.

"OFFSET-PRINT" масъулияти чекланган жамияти босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Қирққиз кўчаси, 10.

© Муҳаммад Собир

СИР ҲАҚИДА СУҲБАТ...

Хоэка Аҳмад Яссавий ҳазратлари ҳикматларининг бирида айтадилар:

*Шариатни салоҳини киймагунча,
Тариқатни буроқига минмагунча,
Жазбу жсунун оламига бормагунча,
Ҳақиқатни майдонига кирса бўлмас.*

Ҳа, ҳақиқат майдонига кириши осон эмас. Аввало, бу майдонга етишгунча не-не синов ва машаққатларга бардош берши керак. Зоро, тасаввуф хослар илми, ботин илми, айни пайтда юксалиши ва камолот йўли бўлганидан ҳар бир даврда унинг тарафдорлари қатори инкор этувчилари мавжуд бўлган. Бу соҳага оид ранг-баранг таъриф – тавсивлардан биламизки, тасаввуф асрор илми, кўнгил илми ва ҳамма уни бирдай тушунмайди, англамайди. Биз учун муҳими, буюк Ислом олимлари, ширик мутасаввифлар тасаввуфдаги одобу арконлар, зикру ибодатларининг оят ва ҳадисларга биноан тўғри ва энг мақбул йўл эканлигини таъкидлашган. Шариат ва тариқатининг эт ва тирноқ каби ажralmas нарса эканлигига иқрор бўлишган. Айрим ботил тариқат ёки қандайдир ёт одоблар бундан мустасно, албатта.

Бу борада китоб муаллифи – Шайх Умар Форук ёзадилар: “Тариқат бу – Ислом дини, Аллоҳ таолонинг амри, Расулуллоҳининг (с.а.в.) қадр-қиймати беқиёс, бебаҳо суннатидир. Бошқа ҳеч нарса эмас. Мусулмонлик тақво ва ихлосдир”.

Тасаввуфнинг маслагу гояларидан баҳс этган қўлингиздаги китоб икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда тасаввуфнинг умумий ва хусусий масалалари ҳақида маълумот беради. Хусусан, жамият ва жамоат билан бирга бўлиш, солиҳ